XALQ DEPUTATLARI YANGIYO'L SHAHAR KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 29 - yanvar VI-48-8-10-196-K/22 Yangiyo'l shahar hokimligi

Янгийўл шаҳар ҳудудида жойлашган бюджет ташкилотларини ташкил этиш ва муассасаларини қайтадан номланишини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 1. Янгийўл шаҳар ҳокимининг 2022 йил 24 январдаги 7-10-196-Q/22-сонли қарори маълумот учун қабул қилинсин.
2. 2. Янгийўл шаҳар чегаралари ўзгарганлиги муносабати билан, Янгийўл тумани "Нов" маҳалласи Янгийўл шаҳар таркибига ўтказилишини инобатга олиб, ушбу ҳудудда жойлашган 35–умумий ўрта таълим мактаби Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказилиши ва номланиши иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. 3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг "Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя–масалалари бўйича доимий комиссия"си раиси Т.Исмаилова ҳамда шаҳар ҳокими ўринбосари М.Хасанов зиммаларига юклатилсин.
4. 4. Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Xalq deputatlari Yangiyo'l shahar Kengashi raisi **F.Mirzayev**

Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 29 январдаги
VI-48-8-10-196-K/22-сон қарорига
1-илова

Тошкент волияти Янгиўл шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказилган умумий ўрта таълим мактаби

РЎЙХАТИ

№	Умумтаълим муассасасининг олдинги номи	Умумтаълим муассасасининг амалдаги номи
1	Янгийўл тумани 35-умумий ўрта таълим мактаби	Янгийўл шаҳар 13-умумий ўрта таълим мактаби